


## САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан ҳажми 7051,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 115,7 фоизни ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-июнь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)




Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 117,9 фоизга, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг 98,2 фоизга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 109,7 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 107,2 фоизга ўсиши ҳисобланди.

**2019 йил январь-июнда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>7051,7</b>	<b>115,7</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>560,6</b>	<b>98,2</b>
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ казиб олиш	407,1	95,5
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	13,2	97,2
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	140,3	107,1
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>	<b>6255,3</b>	<b>117,9</b>
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1007,1	101,7
Ичимликлар ишлаб чиқариш	22,7	90,7
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1271,1	139,7
Кийим ишлаб чиқариш	209,9	119,4
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	4,4	100,8
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	2,2	104,4

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	5,6	111,0
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,2	121,4
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3015,4	119,1
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	97,4	75,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	3,0	87,6
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	30,9	100,7
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	375,0	116,0
Металлургия саноати	17,9	86,1
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	89,8	98,4
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,4	109,9
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	0,1	113,7
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	0,7	42,2
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	12,6	11,8 м.к.
Мебел ишлаб чиқариш	40,6	116,5
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	2,6	3,5 м.к.
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	43,7	105,5
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>161,9</b>	<b>109,7</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>73,9</b>	<b>107,2</b>

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)  
(январь-июнь)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик қонларни ишлаш

**Тоғ-кон саноати ва очик қонларни ишлаш**

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда,

Тоғ- кон саноати ва очик қонларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 560,6 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 8,0 фоизни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар – 107,1 фоизга ошган, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш – 95,5 фоизни, тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият – 97,2 фоизни ташкил қилган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнга нисбатан %
Нефт	минг тн.	9,7	99,2
Табиий газ	млн. м. куб	2199,1	95,9
Газ конденсати	минг тн.	22,2	88,6

**Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)**

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 6255,3 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 117,9 фоизни ташкил этди.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан  
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2019 йил январь-июнь</i>	<i>2018 йил январь-июнга нисбатан %</i>
Бензин	минг тн.	354,4	109,9
Дизел ёқилғиси	минг тн.	386,3	131,0
Мазут	минг тн.	37,5	84,3
Керосин	минг тн.	67,6	97,0
Суюлтирилган газ	минг тн.	5,5	161,7
Арок	минг л. 100% спирт	645,9	77,4
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натijasида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг л. 100% спирт	8,6	59,4
Узум виноси	минг л.	320,2	87,9
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн.	41,1	102,7
Тозаланган ўсимлик ёғи	тн.	13637,0	95,4
Омихта ем	тн.	16682,4	79,5
Пахта толаси	минг тн.	55,5	134,2
Пахта (линти)	тн.	4781,2	134,5
Пахта чигити	минг тн.	84,6	139,7

Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар	минг тн.	60,7	97,7
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	тн.	1447,0	67,7
Дон экинларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган кепак, чигит ва бошқа чиқиндилар	минг тн.	12,9	102,3
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	минг тн.	16,7	79,5
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	тн.	3571	
Бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар	тн.	2105	83,5
Йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар	минг тн	21,9	53,3


*Шу билан бирга, охириги 5 йилнинг тегишли даврлари мобайнида ун маҳсулотлари энг кўп ишлаб чиқариш 2019 йилнинг январь-июнь ойларига тўғри келмоқда (2015 йил – 39,2 минг тонна, 2016 йил – 37,4 минг тонна, 2017 йил – 40,7 минг тонна, 2018 йил – 40,0 минг тонна, 2019 йил – 41,1 минг тонна)*

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 139,7 фоизга, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари 119,1 фоизга, мебел ишлаб чиқариш 116,5 фоизга, электр ускуналар ишлаб чиқариш 113,7 фоизга, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,0 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 0,1 фоизни, ўрта-юқори технологияли 1,8 фоиз, ўрта-қуйи технологияли 57,1 фоиз, қуйи технологияли 41,0 фоизни ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2019 йилнинг январь-июнь ойларида 91,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Жорий йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда**



**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш**

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 161,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 2,3 фоизни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,7 фоизга ошганлиги кузатилди.

**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнга нисбатан %
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Г.кал.	501,7	88,5

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш**

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 73,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,0 фоизни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича хизматлар – 107,2 фоизга ошганлиги кузатилди.

### Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Ҳисобот даврида 2257,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-июнига нисбатан 107,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 846,2 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 1411,5 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2018 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 106,4 фоиз ва 108,0 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 2257,7 млрд.сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 107,4 фоизга ўсиши таъминланди, жами саноатдаги улуши эса 32,0 фоизни ташкил этди.

### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**

*(2019 йил январь-июнь ойлари учун)*


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>2257,7</b>	<b>107,4</b>
<b>шу жумладан:</b>		
озиқ-овқат товарлари	846,2	106,4
ноозиқ-овқат товарлари	1411,5	108,0

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 846,2 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 37,5 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1411,5 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 62,5 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидан алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 15,7 млрд.сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 0,7 фоиз ташкил этди.

*Кейинги беи йилнинг тегишли даврларидаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни таққослаганда, ушбу кўрсаткичнинг истеъмол товарларининг умумий ҳажмидаги энг катта улуши 2018 йилнинг январь-июнь ойларига тўғри келмоқда (2015 йил – 40,6 фоиз, 2016 йил – 48,4 фоиз, 2017 йил – 48,7 фоиз, 2018 йил – 49,6 фоиз, 2019 йил – 37,5 фоиз).*




**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да  
(январь-июнь ойлари учун)**



**Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариши**

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бухоро вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Қоровулбозор тумани (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 44,8 фоиз улуши), Бухоро шаҳри (11,0 фоиз), Ромитан тумани (9,1 фоиз), Гиждувон тумани (6,1 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

***2019 йилнинг январь-июнь ойларида шаҳар ва туманларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % ҳисобида***




Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Бухоро тумани (2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 142,1 фоизга), Пешкў тумани (130,4 фоизга), Қоракўл тумани (130,3 фоизга), ва Гиждувон (126,7 фоизга) туманида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

**Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми**  
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд.сўмда <sup>1)</sup></i>	<i>2018 йил январь-июнь ойига нисбатан, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд.сўмда<sup>1)</sup></i>	<i>2018 йил январь- июнь ойига нисбатан, % да</i>
<b>Бухоро вилояти</b>	<b>7051,7</b>	<b>115,7</b>	<b>2257,7</b>	<b>107,4</b>
Бухоро ш.	778,2	109,2	529,4	104,7
Когон ш.	277,4	95,8	110,4	93,6
<i>туманлар:</i>				
Бухоро	270,6	142,1	144,3	105,2
Вобкент	223,0	109,6	130,2	105,8
Жондор	259,3	111,6	129,5	107,1
Когон	243,7	106,4	109,1	107,7
Олот	243,3	108,1	63,9	105,5
Пешкў	137,0	130,4	55,8	104,3
Ромитан	641,2	109,7	109,8	105,3
Шофиркон	169,2	104,9	118,8	104,8
Қоракўл	221,2	130,3	143,9	115,5
Қоровулбозор	3156,4	119,0	405,5	119,2
Гиждувон	431,2	126,7	207,1	103,7

<sup>1)</sup>Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда


**2019 йилнинг январь-июнь ойларида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да**



2019 йилнинг январь-июнь ойида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши энг кўп Бухоро шаҳрида - 23,4 фоиз, Қоровулбозор туманида – 17,9 фоиз, ҳамда Ғиждувон туманида - 9,2 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Қоровулбозор тумани (174388,0 минг сўм) ва Ромитан тумани (4609,4 минг сўм), ҳамда Когон шаҳрида (4562,2 минг сўм) ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (3710,1 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда**  
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)




Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Бухоро (2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 139,5 фоизга), Қорақўл (128,0 фоизга) ва Пешкў (127,9 фоизга) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, Қогон (95,0 фоизга) шаҳрида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

**Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси**

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,9 фоизга ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши эса 29,8 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Вобкент (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 фоиз), Қогон (97,1 фоиз), Шофиркон (79,4 фоиз) туманлари ҳамда Бухоро (64,3 фоиз) шаҳрида кузатилди. Шу билан бирга, энг кам улуш Қоровулбозор (1,0 фоиз), Ромитан (17,3 фоиз) туманлари, ҳамда Қогон (23,0 фоиз) шаҳрида кузатилди.

**Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари  
ишлаб чиқаришдаги улуши, % да  
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)**



**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши**

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 13 та лойиҳа бўйича 91,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 287,79 минг АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди.


**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари  
(январь-июнь ойлари учун)**

	2018 йил	2019 йил
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	10	13
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	7	8
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	1,2	91,8
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	-	0,3
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	3	17

### Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 322,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 7,9 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 4,6 фоизни ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 бандга камайди.

#### **Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши**




### Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 3402 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 1071 таси Бухоро ва 150 таси Когон шаҳарларига, 107 таси Олот, 260 таси Бухоро, 146 таси Вобкент, 411 таси Ғиждувон, 244 таси Когон, 154 таси Қорақўл, 90 таси Қоровулбозор, 134 таси Пешкў, 203 таси Ромитан, 259 таси Жондор ва 173 таси Шофиркон туманларига тўғри келади.

## Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик

(2019 йил январь-июнь ҳолатига)



Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда 891 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 29,0 фоизи Бухоро шаҳрига, 13,2 фоизи Ғиждувон, 8,1 фоизи Бухоро, 6,8 фоизи Ромитан, 6,3 фоизи Шофиркон, 6,1 фоизи Жондор, 5,4 фоизи Когон, 4,8 фоизи Вобкент, 4,7 фоизи Пешкў туманларига, 4,6 фоизи Когон шаҳрига, 4,6 фоизи Қоракўл, 3,7 фоизи Олот, ҳамда 2,7 фоизи Қоровулбозор туманларига тўғри келади.